

## №-9 сонли пудрат шартномаси

Зомин ш

2022 йил 30 сентябр

«Зомин туман Мактабгача таълими бўлими» (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Н.Охунова бир томондан ва иккинчи томондан (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) «Осиё парвози» маъсуляти чекланган жамияти номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Н.Махмудов мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра ўз материаллари ёки буюртмачининг материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда «Ишлар» деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

№	Бажариладиган ишлар номи	Сумма
1	Зомин туманида жойлашган 23-МТТни биносини газлаштириш	874106087
	ҚҚС 15%	131115913
	<b>Жами</b>	<b>1.005.222.000</b>

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил «30» сентябр қадар пудратчига зарурий лойиҳа-смета ҳужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзи қинг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати:

2022 йил «30» сентябр

2022 йил «30» октябр

Пудратчи ишларни олдин бажариш ҳуқуқига эга (эга эмас).

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

### 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи 30 (ўттиз) банк куни давомида пудратчига шартнома қийматининг 15 % миқдорда олдиндан бўнақ тўловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг 30 (ўттиз) банк кун муддатдан кечиктирмасдан буюртмачига бажарган ишлар учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Ҳазначилик органларида рўйхатга олингандан кейин қучга қиради ва «31» декабр 2022 йилгача амал қилади.

### 3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойиҳага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбуриятини бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олдандан кейин 10 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дархол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблаш ишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар исстаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига муносоиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажаришдан воз кечганиги баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

#### 4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблаш ишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси сўмни ташкил қилади.

4.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов бўнақ тўлаш билан босқичма-босқич асосида амалга оширилади.

4.2.1. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

#### 5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,4 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурийат бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизга миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбурийатларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбурийатларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

#### 6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбурийатлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқатининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбурийатини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбурийатни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

#### 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳридаги вилоят иқтисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

#### 8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:  
- Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сустанглик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўнра ошиб кетганда;



-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи кўйидаги холларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тўғатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан амал қилган бажарилиган ишларнинг ҳажми кийматишни тўлайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 9. Яқуний қондалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланишидан ва Ҳазратчиликдаги тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилганидан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага илова:

## 10. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

### «Ижрочи»

«Осиё парвози» маъсуляти чекланган  
жамияти

Манзили: Жиззах шаҳар И.Каримов кучаси 5-уй

Телефон/факс: +99899 525 -37- 27

Ҳисоб рақам: 20208000500235017001

Банк номи: «Кишлоқ қурилиш банк» Жиззах вилоят  
филиали

МФО: 01037 СТИР: 302 644 423

ОКОНХ-61110

Раҳбар:

И.Махмудов



  
(имзо) (имзо)

### «Буюртмачи»

Зомин туман Мактабгача таълими  
бўлими

Манзил-Зомин тумани Мустақиллик кўчаси

Тел.факс: +998 72 39 21994

шхр: 4001722860082187091100251001

СТИР :305150696

ОКОНХ

Молча вазирлиги Ҳазратчилик

х/р: 23402 000 300 100 001 010

Тошкент ш. Марказий банк ХККММФО: 00014


ОКОНХ: 97600 ШПН: 201122919

Н.Охунова





**IJRO.GOV.UZ**

	<b>Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.</b> Elektron raqamli imzoning haqiqiy/ligini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	<b>ÑURXON OXUNOVA FOZILOVNA</b>
	Imzolangan sana	30 ceh 2022 09:43
	Hujjat kodi	<b>ZO2603817688</b>
	Hulosa kodi	<b>VL4245447142</b>
	Shartnoma raqami	<b>295-3-48-MT/2022</b>

**“Osiyo parvozi” mas’uliyati cheklangan jamiyati va Zomin tuman maktabgacha ta’lim bo’limi o’rtasidagi binoni gazlashtirishga mo’ljallangan 1 005 222 000 (Bir milliard besh million ikki yuz yigirma ikki ming) so’mlik “Pudrat shartnomasi” loyihasini xuquqiy ekspertizadan o’tkazish yakuni bo’yicha**

**XULOSA № Z02603817688**

Zomin tuman yuridik xizmat ko’rsatish markazi bosh yuriskonsulti B.O’tanov tomonidan “Osiyo parvozi” mas’uliyati cheklangan jamiyati va Zomin tuman maktabgacha ta’lim bo’limi o’rtasidagi binoni gazlashtirishga mo’ljallangan 1 005 222 000 (Bir milliard besh million ikki yuz yigirma ikki ming) so’mlik “Pudrat shartnomasi” loyihasi xuquqiy ekspertizadan o’tkazildi.

Mazkur shartnoma loyihasi O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 666-685-moddalari va “Xo’jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to’g’risida”gi qonun talablariga muvofiq tuzilgan.

Shartnoma loyihasida shartnoma predmeti, bajariladigan ishlarning miqdori, sifati, bahosi, shartnomaning bajarilish muddatlari, hisob-kitob qilish tartibi, taraflarning majburiyatlari, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligi, nizolarni hal etish tartibi hamda taraflarning rekvizitlari, shartnoma tuzilgan sana va joyi, ishlar haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo’lmagan miqdorda oldindan to’lab qo’yish shartlari nazarda tutilgan.

Yuqoridagilarga ko’ra mazkur shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlari talablariga muvofiqligi xaqida ijobiy xulosa berildi.

**Zomin tuman yuridik xizmat ko’rsatish markazi bosh yuriskonsulti:**



**B.O’tanov**

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 150186 на приобретение Зомин тумани мактабгача таълим бўлимига қарашли 23-сон мтти Биносини газлаштириш**

Способ проведения электронный

Дата 23.09.2022

Время рассмотрения 23.09.2022 13:01

Закупочная комиссия Зомин туман мактабгача таълим бўлими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	OXUNOVA NURXON FOZILOVNA	Мудира	Мудир
<b>Секретарь комиссии</b>	AMINOV FARXODJON FANILOVICH	Озиқ-овқат хисобчиси	Зомин МТБ
<b>Член комиссии</b>	SULTANOV YORKIN ISMATULLAYEVICH	шартномалар хисобчиси	Зомин МТБ
<b>Член комиссии</b>	ZULXAYDAROV RUSTAM SAYDIVALIYEVICH	Бош хисобчи ўринбосари	МТБ
<b>Член комиссии</b>	ALMATOV NIZOMJON ABDULLAYEVICH	Бош хисобчи	МТБ
<b>Член комиссии</b>	JABBAROVA NIGORA ABDUSATTAROVNA	Инвентар хисобчиси	МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.09.2022 года № лота 150186.  
 Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту котельной и отопительной системы</b>
Подробное описание	Зомин тумани мактабгача таълим бўлимига қарашли 23-сон мтти Биносини газлаштириш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1010 067 401.00
Стартовая сумма	1010 067 401.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқ ва мажбурий туловлардан қарзи мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: QR-кодлмаълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OSIYO	10	Жамиятимиз солиқ ва	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>PARVOZI</b>		бошка мажбурий туловлардан қариздорлиги йук. маълумотнома илрва килинади				
<b>BOBURBEK QURILISH MONTAJ MЧЖ</b>	10	QR-кодлимаълумотнома	10	Экспертная		
<b>ЧП ХОВАНД АМИР</b>	10	бор	10	Экспертная		
<b>LAZIZA ZARINA IMKON SAVDO MЧЖ</b>	10	Солиқ ва мажбурий туловлардан қарзи мавжуд эмаслиги	10	Экспертная		

Критерий №2 Курилиш пудрат ташкилотлар миллий рейтингида юкори категорияли булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: шаффоф курилиш платформасида маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ОСИYO PARVOZI</b>	10	Жамиятимиз Курилиш пудрат ташкилотлар миллий рейтингида юкори катигорияга эга ташкилотлардан. Маълумот илова килинади	8	Экспертная		
<b>BOBURBEK QURILISH MONTAJ MЧЖ</b>	10	Курилиш пудрат ташкилотлар миллий рейтингида	7	Экспертная		
<b>ЧП ХОВАНД АМИР</b>	10	бор	4	Экспертная		
<b>LAZIZA ZARINA IMKON SAVDO MЧЖ</b>	10	С	5	Экспертная		

Критерий №3 Ишчи ва хизматчиларни иш малакаси ва сони

Тип: Текстовое значение

Описание: маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ОСИYO PARVOZI</b>	10	жамиятимизда доимий иш билан таъминланган ишчи ходимларимиз фаолият юритади. маълумотлар илова килинади	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>BOBURBEK QURILISH MONTAJ MЧЖ</b>	10	Ишчи ва хизматчиларни иш малакаси	9	Экспертная		
<b>ЧП ХОВАНД АМИР</b>	10	бор	4	Экспертная		
<b>LAZIZA ZARINA IMKON SAVDO MЧЖ</b>	10	маълумотнома	10	Экспертная		

Критерий №4 Моддий техник базаси ва механизмлари мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ОСИYO PARVOZI</b>	10	Жамиятимизда моддий техник база, ва механизмлар мавжуд. маълумотлар илова килинади	10	Экспертная		
<b>BOBURBEK QURILISH MONTAJ MЧЖ</b>	10	Моддий техник базаси ва механизмлари	9	Экспертная		
<b>ЧП ХОВАНД АМИР</b>	10	бор	0	Экспертная		
<b>LAZIZA ZARINA IMKON SAVDO MЧЖ</b>	10	механизмлар	6	Экспертная		

Критерий №5 Пудраткурилиш ташкилотииш малакаси ва охириги бажарганишлар итугриси дадалолатнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Далолатнома ва гувоҳнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ОСИYO PARVOZI</b>	10	Жамиятимиз куп йиллик курилиш ва таъмирлаш ишлари буйича малакаси бор ташкилотлардан. Бажарган ишлари тугрисида маълумотлар илова килинади	10	Экспертная		
<b>BOBURBEK QURILISH MONTAJ MЧЖ</b>	10	Далолатнома ва гувоҳнома	5	Экспертная		
<b>ЧП ХОВАНД АМИР</b>	10	бор	5	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>LAZIZA ZARINA IMKON SAVDO MЧЖ</b>	10	Далолатнома	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ЧП ХОВАНД АМИР</b>	1 010 067 401.00	939 362 310.00 UZS	939 362 310.00	00.00	939 362 310.00	21.09.2022 09:24:40	20
<b>ООО ОСИYO PARVOZI</b>	1 010 067 401.00	1 005 222 000.00 UZS	1 005 222 000.00	00.00	1 005 222 000.00	16.09.2022 16:26:04	18.68965
<b>БОБУРБЕК ҚУРИЛИШ МОНТАЖ МЧЖ</b>	1 010 067 401.00	1 003 000 000.00 UZS	1 003 000 000.00	00.00	1 003 000 000.00	19.09.2022 10:51:13	18.73105
<b>LAZIZA ZARINA IMKON SAVDO MЧЖ</b>	1 010 067 401.00	998 000 000.00 UZS	998 000 000.00	00.00	998 000 000.00	21.09.2022 12:08:50	18.8249

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ЧП ХОВАНД АМИР</b>	36.8	20	56.8
<b>ООО ОСИYO PARVOZI</b>	76.8	18.68965	95.48965
<b>БОБУРБЕК ҚУРИЛИШ МОНТАЖ МЧЖ</b>	64	18.73105	82.73105
<b>LAZIZA ZARINA IMKON SAVDO MЧЖ</b>	57.6	18.8249	76.4249

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 150186 от 23.09.2022 года на приобретение Зомин тумани мактабгача таълим бўлимига қарашли 23-сон мтти Биносини газлаштириш определила победителем:

ООО ОСИYO PARVOZI  
302644423

и резервный исполнитель: БОБУРБЕК ҚУРИЛИШ МОНТАЖ МЧЖ (303283097)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	OXUNOVA NURXON FOZILOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SULTANOV YORKIN ISMATULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ZULXAYDAROV RUSTAM SAYDIVALIYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ALMATOV NIZOMJON ABDULLAYEVICH	Согласен	

Член комиссии	JABBAROVA NIGORA ABDUSATTAROVNA	Согласен	
---------------	---------------------------------	----------	--

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Зомин тумани

Мақтабгача таълим бўлими мудир

Н.Ф.Охунова

Култeпа кишлоғи

27.09.2022 йил

Зомин тумани мақтабгача таълим бўлими “Чорводар” МФЙ култeпа кишлоғида жойлашган 23-сонли давлат мақтабгача таълим ташкилоти биносини газлаштириш ишларини бажаришда таклифларни танлаб олиш учун қўйилган элон тўғрисида йиғилиш

БАЁННОМАСИ № 1

Комиссия раиси:	Н.Охунова
Аъзолари:	
Бош ҳисобчи	Н.Алматов
Бош ҳисобчи ўринбосари:	Р.Зулхайдаров
Тавор моддий қимматликлар ҳисобчиси	Н.Жабборова
Озиқ-овқат ҳисобчиси	Ф.Аминов
Давлат харидлари ва шартномалар бўйича мутахасси	Ё.Султонов

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида» ги 2021 йил 22 апрелдаги №684-сон Қонунининг 62-моддаси 7 чи хат боши Бунда ғолиб давлат буюртмачиси томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштиригандан сўнг, танлов ғолиби аниқлангандан сўнг 2 кун муҳокамадан сўнг ҳеч қандай шикоят ва эътирозлар келиб тушмаган тақдирда амалга оширилади.

2022 йилда Зомин тумани мақтабгача таълим бўлими “Чорводар” МФЙ култeпа кишлоғида жойлашган 23-сонли давлат мақтабгача таълим ташкилоти биносини газлаштириш ишларини бажаришда қилинаётган:

№	Ташкилот номи	Улчов бирлиги	Сони	Лойиҳанинг бошланғич қиймати	Лот рақами
1	Зомин тумани “Чорводар” МФЙ култeпа кишлоғида жойлашган 23-сонли давлат мақтабгача таълим ташкилоти биносини газлаштириш	объект	1	1010067401	22110012150186

Зомин тумани мактабгача таълим бўлимига мурожат қилган ташкилотлар:

“ООО ОСИYO PARVOZI” МСНҲ

Зомин тумани мактабгача таълим бўлими “Чорводар” МФЙ култепа қишлоғида жойлашган 23-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини газлаштириш ишларини бажаришда энг яхши таклифни танлаб олиш учун танлов комиссияси раиси Н.Охунова сўз олди. У ўз сўзида кун тартибидаги масала юзасидан гапириб, танловда иштирок этган хусусий тадбиркорлар таклифлари билан батафсил танишиб чикиб, энг маъқул қолиб аниқланганлиги ва 2 кун давомида муҳокамада булганлиги, ҳеч қандай этироз шикоятлар келиб тушмаганлигини таъкидлаб ўтди. Комиссия аъзолари ўз фикр ва хулосаларини атрофлича ўрганиб чикиб, комиссия аъзолари уз фикр ва мулохазаларини билдирдилар. 22.04.2021 йил 22 апрелдаги УРК 684-сон 62-моддаси талабларига асосан юқоридаги масалаларини атрофлича ўрганиб чикиб, танлов комиссияси

### КАРОР ҚИЛАДИ:

1. Танлов комиссиясига тақдим қилинган тижорат таклифларини сифати ва нархи юзасидан батафсил Зомин тумани мактабгача таълим бўлими “Чорводар” МФЙ култепа қишлоғида жойлашган 23-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини газлаштириш ишларини бажаришда энг яхши таклифларни танлаб олиш учун “ООО ОСИYO PARVOZI” МСНҲ тижорат таклифи маъқул деб топилсин ва шартнома тузилсин.

2. Шартнома умумий суммаси 1.005.222.000 (Бир миллиард беш миллион икки юз йигирма икки минг) сўмни ташкил этади. **4001722860082187091100251001** шх/рдан тўланади.

3. Ажиратилган маблағлар доирасида тегишли шартнома имзоланиб Зомин тумани Ҳазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилсин.

Комиссия раиси:

Н.Охунова

Аъзолари:

Н.Алматов

Бош ҳисобчи:

Р.Зулхайдаров

Бош ҳисобчи ўринбосари

Н.Жабборова

Тавор моддий қимматликлар ҳисобчиси,

Озиқ-овқат ҳисобчиси

Ф.Аминов

Давлат харидлари ва шартномалар

Бўйича ҳисобчи;

Ё.Султонов